



**“SHARQ-U G‘ARB RENESSANS ADABIYOTI:  
NAVOIY VA SHEKSPIR”  
mavzuidagi xalqaro ilmiy-nazariy konferensiya  
materiallari  
2022 yil, 22-iyun**



**Articles of international scientific-theoretical  
conference on  
“EAST-WEST RENAISSANCE LITERATURE:  
NAVOI AND SHAKESPEARE”  
June 22, 2022**

**TOSHKENT - 2022**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIV VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI  
ALISHER NAVOIY NOMIDAGI  
TOSHKENT DAVLAT O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI  
O'ZBEK FILOLOGIYASI FAKULTETI  
JAHON ADABIYOTI VA UNIVERSAL ADABIYOTSHUNOSLIK KAFEDRASI

**“SHARQ-U G‘ARB RENESSANS ADABIYOTI:  
NAVOIY VA SHEKSPIR”**

*mavzuidagi xalqaro ilmiy-nazariy konferensiya  
materiallari*

*2022- yil, 22-iyun*



MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL EDUCATION  
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN  
ALISHER NAVOI TASHKENT STATE UNIVERSITY OF UZBEK LANGUAGE AND  
LITERATURE  
FACULTY OF UZBEK PHILOLOGY  
DEPARTMENT OF WORLD LITERATURE AND UNIVERSAL  
LITERARY STUDIES

*Articles of international scientific-theoretical conference on*  
**“EAST-WEST RENAISSANCE LITERATURE:  
NAVOI AND SHAKESPEARE”**  
*June 22, 2022*

TOSHKENT – 2022

---

---

**UDK 821.512.133.08-03**  
**KBK 84(50')**

“Sharq-u G‘arb Renessans adabiyoti: Navoiy va Shekspir” mavzuidagi xalqaro ilmiy-nazariy konferensiya materiallari. – Toshkent: “Firdavs-Shoh nashriyoti”, 2022-y. 700 b.

**ISBN 978-9943-8307-1-4**

***Mas'ul muharrir:***  
*Shuhrat Sirojiddinov,*  
*filologiya fanlari doktori, professor*

***Tahrir hay'ati***

Shuhrat Sirojiddinov (O‘zbekiston), Fatma Achik (Turkiya), Uzoq Jo‘raqulov (O‘zbekiston), Almaz Ulviy (Ozarbayjon), Suvon Meli (O‘zbekiston), Munavver Tikcan (Turkiya), Nurboy Jabborov (O‘zbekiston), Shafiqa Yorqin (Afg‘oniston), Nafas Shodmonov (O‘zbekiston), Jannat Aymuxambet (Qozog‘iston), Dilmurod Quronov (O‘zbekiston), Iroda Siddiqova (O‘zbekiston), Gulnoz Xalliyeva (O‘zbekiston), Dilnavoz Yusupova (O‘zbekiston).

Mazkur “Sharq-u G‘arb Renessans adabiyoti: Navoiy va Shekspir” mavzuidagi tadqiqotlar to‘plamida jahon xalqlari Renessans adabiyotiga oid komparativistik muammolar haqida so‘z yuritilgan. To‘plamning “Sharq-u G‘arb adabiyoti genezisi va umumnazariy muammolari”, “Navoiy va Shekspir: poetik o‘ziga xoslik, ijodiy universallik”, “G‘arb adabiyotida Sharq mavzusi talqinlari”, “Sharq va G‘arb adabiyoti qiyosiy adabiyotshunoslik kontekstida” singari bo‘limlaridan jahon adabiyotshunosligi, adabiy tanqidi tarixi, qiyosiy adabiyotshunoslik masalalaridan bahs yurituvchi maqolalar o‘rin olgan. Eng muhimi, chop etilgan tadqiqotlarning barchasida jahon Renessanslari tarixi va Uchinchi Renessansni bunyod etish muammolari xususida fikr yuritiladi.

Ilmiy to‘plam adabiyot nazariyasi, adabiy tanqid, adabiyot tarixi, qiyosiy adabiyotshunoslik, tarjima nazariyasi, tarjimashunoslik bilan shug‘ullanayotgan mutaxassislar, shuningdek, barcha adabiyot ixlosmandlari uchun mo‘ljallangan.

Ushbu to‘plamda “Sharq-u G‘arb Renessans adabiyoti: Navoiy va Shekspir” mavzuidagi xalqaro ilmiy-nazariy anjumanga yuborilgan maqolalar jamlangan.

To‘plam Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universiteti Ilmiy-texnik kengashining 2022-yil 15-iyundagi navbatdan tashqari yig‘ilishi qaroriga asosan nashrga tavsiya etilgan.

**Mualliflar qarashlari tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.**



---

**Editor-in-Chief:**

*Shuhrat Sirojiddinov,  
doctor of philological sciences, professor*

**Editors:**

Shuhrat Sirojiddinov (Uzbekistan), Fatma Achik (Turkey), Uzok Jurakulov (Uzbekistan), Almaz Ulviy (Azerbaijan), Suvon Meli (Uzbekistan), Munavver Tikcan (Turkey), Nurboy Jabborov (Uzbekistan), Shafiqa Yorkin (Afghanistan), Nafas Shodmonov (Uzbekistan), Jannat Aimukhambet (Kazakhstan), Dilmurod Quronov (Uzbekistan), Iroda Siddikova (Uzbekistan), Gulnoz Khallieva (Uzbekistan), Dilnavoz Yusupova (Uzbekistan).

The materials of conference of “East-West Renaissance Literature: Navoi and Shakespeare” is regarding the comparative problems of Renaissance literature of world literature. The collection consists of chapters such as “Genesis and general theoretic problems of Eastern and Western literature”, “Navoi and Shakespeare: poetic originality, creative universality”, “Interpretations of The East in Western literature”, “Eastern and Western literature in the context Comparative Literature” including articles on world literature, history of literary criticism, comparative literature. Most importantly, all of the published research focuses on the history of the world Renaissance and the problems of building the Third Renaissance.

The collection can be fruitful source for specialists studying literary theory, literary criticism, literary history, comparative literature, translation theory, translation studies, as well as for all people who is fond of literature.

This collection includes papers submitted to the International Scientific-Theoretical Conference “East-West Renaissance Literature: Navoi and Shakespeare”.

The collection was recommended for publication by the decision of the meeting of the Scientific and Technical Board of the Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi on June 15, 2022.

**The views of the authors may differ from the point of view of the editors.**

**Шухрат СИРОЖИДДИНОВ,**

*филология фанлари доктори, профессор  
(Алишер Навоий номидаги  
Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти  
университети ректори, Ўзбекистон)*

## **УЧИНЧИ РЕНЕССАНС КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ УНИВЕРСАЛ АСОСЛАРИ**

*(Сўзбоши ўрнида)*

Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг 2021 йил 17 августда “Янги Ўзбекистон” газетаси учун берган интервьюсида шундай дейилади: *“Бугунги кунда бутун халқимизнинг қалбидан чуқур жой олган, умуммиллий ҳаракатга айланиб бораётган “Янги Ўзбекистон” гоёси замирида ана шундай улуг аждодларимиз, умуман олганда, миллий тарихимизда Биринчи ва Иккинчи уйғониш даврларига асос солган аллома боболаримизнинг орзу-интилишлари ва армонлари ҳам мужассам, десак адашмаган бўламиз”<sup>1</sup>.*

Ҳақиқатан ҳам, Президентимиз томонидан илгари сурилган Учинчи Ренессанс концепцияси халқимизнинг шонли ўтмиши ва бугунини уйғунлаштирувчи, юксак маънавий-маърифий анъаналарга таянадиган, ўзига хос илмий-амалий потенциалга қурилган, универсал асосларига эга бўлган мустаҳкам концепциядир.

Муайян халқ, тарихнинг замоний чексизлиги олдида сониянинг бир улушчалик қийматга эга бўлмаган беш аср оралигида, икки Уйғониш – жаҳоншумул аҳамиятга молик Ренессанс ҳодисасига асос солиши билан башарият ўтмишидаги ўта ноёб ҳодиса ҳисобланади. Миллатимизнинг шонли тарихини эса, Президентимиз ҳақли таъкидлаганларидек, икки буюк Ренессанс – IX-XII асрларда юз берган маърифий, XIV-XV асрлардаги ижтимоий-маданий уйғонишлар беэаб турибди. Ўз генезиси ва миллий моҳиятига кўра бу икки Ренессанснинг бири бошқаси билан узвий боғлиқлиги, тарихнинг олтин қондаси – “анъаналар изчиллиги”га қурилгани, айни пайтда универсал асосларга эгаллиги билан умумжаҳон цивилизациялари тарихида юксак мақом тутади.

<sup>1</sup> “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2021 йил, 17 август.



Ўзбек халқи асос солган икки буюк Ренессанс ўзининг теран илдизларига эга. Бизнингча, аини пойдевор мустаҳкамлиги ва боқийлигининг илк белгиси унинг маънавий-маърифий асосга қурилгани билан белгиланади. Жаҳон тарихидан маълумки, башариятни лол қолдирган аксар цивилизациялар иқтисодий, ҳарбий-сиёсий, маиший-маданий ва илм-фанга доир ютуқлар асосига қурилган. Бироқ уларнинг кўпи тарихнинг иқтисодий-сиёсий эврилишлари, инсон феъл-атворидаги ноқисликлар, мураккаб психологик жараёнлар сабаб узокка чўзилмаган. Бундай цивилизацияларнинг келажак авлод учун фойдалилик коэффициенти ҳам у даражада сезиларли бўлмаган.

Маълум маънода, башарий цивилизацияларнинг узвий давоми, тараққий этган бир кўриниши бўлган икки миллий Ренессансимиз асосчилари тарихни ибрат назари билан ўрганганлар. Унинг аччиқ оқибатларидан сабоқ олганлар. Қадим аждодлар йўл кўйган хатоларни такрорламасликка уринганлар. Аини ибрату сабоқлардан келиб чиқиб, инсон саодатининг бирламчи асоси қалб тарбияси, имон-маърифат йўли деган буюк ва ўлмас хулосага келганлар. Ўтмиш цивилизацияларини бунёд этган бошқа барча омилларни эса восита деб билганлар. Аждодларимиз томонидан эришилган диний илмлар, табиий ва аниқ фанлар ёки иқтисодий, сиёсий, маиший муаммоларга доир ҳар бир ютуқ асосида шу ҳақиқат туради.

Миллий Ренессансимизнинг биринчи универсал асоси Қуръони карим, Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларида мажозий ишоралар билан келган маърифий, илмий, фанний ҳақиқатларни кашф этиш йўлидаги изчил фаолият эди. Туркистон худудида рўй берган Биринчи Ренессанс вакиллари ясоқ ўлароқ қабул қилган изчил ва актив тамойил шу бўлган. Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизийларнинг оламшумул ишлари, бунинг умумбашарий аҳамиятини қайта таъкидлашнинг ўзи ортиқча. Улар эришган юксак даражадаги илмнинг бугунги глобал кўлами, башар маънавияти йўлида қилган ва изчил давом этаётган хизмати умумжаҳон эътирофига молик. Аини пайтда, Аҳмад ал-Фарғонийни самовот тадқиқи (астрология, астрофизика, астрогология ва астрогография) бўйича эришган илмий ютуқларга илҳомлантирган, наинки илҳомлантирган дастуруламал бўлган универсал манба, шубҳасиз, Қуръон ва Ҳадис эди. Самовотнинг тузилиши, ундаги катта-кичик унсурлар, уларнинг таркиби, ҳаракатланиш принциплари Қуръонда келган, Муҳаммад алайҳиссалом томонларидан изоҳланган



бўлса, Аҳмад ал-Фарғоний бу илмларни деталлаштириб таҳлилилаш йўли билан оммалаштирган. Айни изчил жараёни, бугунга кунда, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва бошқа қатор улуғ мутафаккирларимиз фаолияти мисолида ҳам изчил кузатиш, конкрет далиллар билан асослаб бериш имконига эгамиз.

Мазкур концепциянинг иккинчи универсал асоси – бу, миллий эстетик тафаккуримиз ҳисобланади. Чунки бизнинг Биринчи Ренессанс даврига доир Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий каби мутафаккир-сўфий боболаримиз, Иккинчи Ренессансни бунёд этган Отойи, Лутфий, Саккокий, айникса, Навоий, Бобур, Машраб сингари адибларимиз айнан Биринчи Ренессанснинг маърифий асослари негизида шаклланган миллий интеллектуалларимиздир. Улардан қолган, адабий-маданий мерос фақат бир миллат, бир халқ ёки қутб кўламига эмас, глобал кўламга эга.

Учинчи Ренессанс концепциясининг замонавий асоси миллатимиз феноменига хос ирсий потенциал эканини алоҳида таъкидлаш лозим. Ва яна таъкидлаш лозимки, Президентимиз томонидан илгари сурилган Учинчи Ренессанс концепциясининг энг муҳим асоси ҳам шу.

Халқ орасида “Оққан дарё оқаверади”, деган мақол бор. Дунёга кўплаб салтанатлар тамаддунини тақдим этган, узоқ тарихга эга халқ яна кўплаб мутафаккирларни вояга етказиши қонуний асосга эга. Бунинг учун биз, биринчи навбатда ижтимоий-миллий тараққиётнинг моҳиятида мукамал ахлоқ туради деган улуғ аждодларимиз йўлини давом эттиришимиз керак. Бунинг учун эса она тилимиз ва бадий адабиётимиз энг муҳим восита, потенциал асосдир.

Айни шу нуқтаи назардан “Шарқ ва Ғарб Ренессанс адабиёти: Навоий ва Шекспир” деган илмий-назарий муаммо доирасида ўтказилаётган халқаро конференцияни халқимиз ва давлатимизнинг XXI асрдаги энг актуал шиорига айланган Учинчи Ренессанс концепциясининг амалий натижаси ўлароқ қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Ушбу конференцияда кўтарилаётган “Шарқ ва Ғарб адабиёти генезиси ва умумназарий муаммолари”, “Навоий ва Шекспир: поэтик ўзига хослик, ижодий универсаллик”, “Ғарб адабиётида Шарқ мавзуси талқинлари”, “Шарқ ва Ғарб адабиёти қиёсий адабиётшунослик контекстида” сингари муаммолар миллий адабиётимиз ўтмиши,

бугуни, халқаро маданий муносабатлар ва шу билан боғлиқ компаративистик ечимлар илмий-амалий жиҳатдан муҳимдир. Қолаверса, мазкур халқаро конференциянинг университетимиз “Жаҳон адабиёти ва универсал адабиётшунослик” кафедраси томонидан ўтказилаётгани ҳам ўзининг илмий-назарий, ижтимоий-маданий, рамзий-мажозий мазмунига эга. Айни муаммолар юзасидан тўпланган илмий тадқиқотлар салмоғи, тадқиқотчилар географиясининг кенглиги масала моҳиятининг янада чуқурроқ очилишини таъмин этади, “Янги Ўзбекистон” ғоясининг изчил ва таркибий қисмига айланади, деган умиддамиз.

Конференция ишига муваффақият, барча иштирокчиларга омад тилайман!



---

*Музаффар АЧИЛОВ,  
ўқитувчи  
(ТТА, Ўзбекистон)*

### **ШАРҚУ ҒАРБ АДАБИЁТИДА “ТУРГУН КЎНИКМА”**

**Аннотация:** Ушбу мақолада жаҳоннинг турли халқлари адабиётига хос бўлган энг муҳим хусусиятлар, уларнинг бошқа халқлар адабиётига таъсири, турли халқларнинг жаҳон адабиёти ривожига қўшган ҳиссасини илмийлик асосида баҳолаш ҳамда тургун кўникмаларнинг ўринларини белгилаб ўтилган.

**Abstract:** In this article, we have identified the most important features of the literature of different nations of the world, their impact on the literature of other nations, a scientific assessment of the contribution of different peoples to the development of world literature, as well as the role of sustainable skills.

**Калит сўзлари:** компаративистика, адабий алоқалар, адабий танқид, концептуал ўхшашликлари, хронологик чегаралар, Шарқ ва Ғарб Ренессанси.

**Keywords:** Comparative studies, literary relations, literary criticism, conceptual similarities, chronological boundaries, Eastern and Western Renaissance.

Бугунги кунда Шарқ ва Ғарб адабиётининг ўзаро таъсири ҳамда алоқаларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, ўзликни англаш, ўз тарихини мукамал ўрганиш давр тақозосидир. Минг йиллик тарихимизнинг гувоҳлик беришича, қадимги Шарқ Ғарб маданияти, илм-фанининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган. Жумладан, Ғарб маданияти фалсафаси, маънавиятининг шаклланишида бизнинг улуғ аجدодларимиз Форобий, Беруний, Ибн Синоларнинг таъсири бениҳоя катта бўлган. Адабиётшунослик жаҳон адабиёти ва адабиётшунослигини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Шарқ ва Ғарб ўртасидаги маданий, адабий алоқалар қадимдан мавжуд. Бундай алоқалар туфайли адабий ҳаётда бир халқнинг адабиёти иккинчисини тўлдириб келган. Ушбу жараённи ўрганиш орқали адабиёт тарихи, назарияси билан боғлиқ муҳим хулосалар чиқариш мумкин.

Жаҳоннинг турли халқлари адабиётига хос бўлган энг муҳим хусусиятлар, уларнинг бошқа халқлар адабиётига таъсири, турли халқларнинг жаҳон адабиёти ривожига қўшган ҳиссасини илмийлик асосида баҳолаш кўникмаларини ҳосил қилиши зарур.



Шахснинг жараёнли сифатларини шакллантиришга, таълим олувчининг фаолиятни активлаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараёнида унинг барча қобилияти ва имкониятлари, ташаббускорлигини очишда адабиётшуносликнинг аҳамият ғоят каттадир.

Адабиётшуносликнинг шаклланиш тарихи А.Н.Веселовский, В.М.Жирмунский, Н.А.Конраднинг қиёсий адабиётшуносликка оид тадқиқотлари муҳим аҳамиятга молик. Булардан ташқари, қиёсий адабиётшунослик адабий-эстетик, илмий-назарий, ижтимоий-фалсафий манбалар, ўзбек адабиётшунослигидаги компаративистика, адабий алоқалар ва таржимашунослик, ва гуманитар фанлар, фольклоршунослик, мумтоз поэтика, адабиёт назарияси, адабий танқид тарихи ва назарияси билан узвий боғлиқдир.

Шарқ ва Ғарб адабиёти даврлар, адабий-эстетик қарашлар, адабий оқимлар, адабий сиймолар, адабий-эстетик манбалар, поэтик компонентлар типологияси сифатида ривожланиб келмоқда.

Платон, Аристотел, Форобий, Ибн Синоларнинг адабий-эстетик қарашлари Аристотелнинг “Поэтика” асари, Форобийнинг “Шеър ва қофиялар ҳақида сўз”, “Риторика ҳақида китоб”, “Шеър китоби”, “Шоирлар санъати қонунлари ҳақида” асарларида бадиий санъатлар ҳақида билдирилган фикрлар. Форобийнинг юнон ва араб адабиёти ҳақидаги фикрлари ғоят муҳим. Ибн Синонинг адабий қарашлари шаклланишида Аристотел ва Форобийнинг таъсири Ғарб ва Шарқ адабиётини қиёслаб ўрганишда ўзининг ижобий натижаларини беради.

Шарқ ва Ғарб уйғониш адабиётининг концептуал ўхшашликлари ва фарқлари, хронологик чегаралари, маърифий, фалсафий, адабий-эстетик омиллари Шарқ ва Ғарб Ренессансида ўзаро таъсир ниҳоятда катта. Италиян, инглиз, испан, француз, немис адабиётида араб, эрон, туркий адабиёт анъаналарининг намоён бўлиши қиёсий адабиётшунослик ижтимоий ҳаётда қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўриш мумкин.

Европа модернизми ва янги ўзбек адабиёти вакиллари: Ж.Жойс, Ф.Кафка, А.Камю, Н.Эшонқул, Ш.Ҳамро, Т.Рустамовлар асарларининг қиёсий таҳлили, модернизм шеърляти, ўзбек шеърлятида шакл янгиланишлари қиёсий адабиётшуносликни янада ривожлантиришга асос бўла олади.



### **Адабиётлар:**

1. Акбарова М.Ҳ., Мухиддинова Д. З. Замонавий Сурия адабиёти. Ўқув – услубий мажмуа. –Т.: –2013. – 134 б.
2. Адабий турлар ва жанрлар. – Т.: Фан, I жилд. –1991. – 383 б., II жилд. –1992. – 246 б.
3. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Т.: Ўзбекистон, – 2002.
4. Болтабоев Ҳ. Наср ва услуб: Услуб муаммосига назарий нигоҳ ва ҳозирги ўзбек насрида услубий изланишлар. – Т.: Фан, –1992. – Б. 105.
5. Маҳкам М. Таклид, тасвир, илҳом ва истеъдод. Шарқ юлдузи № 3. Т.: 2014.
6. Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. Т: 2008 й. – 365 б.
- Курунов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик лугати. Т: 2013. – 406 б.
7. Ғарб фалсафаси. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти – «Шарқ», 2004. – 720 б.

**“SHARQ-U G‘ARB RENESSANS ADABIYOTI:  
NAVOIY VA SHEKSPIR”**  
*mavzuidagi xalqaro ilmiy-nazariy konferensiya  
materiallari*



*Articles of international scientific-theoretical conference on*  
**“EAST-WEST RENAISSANCE LITERATURE:  
NAVOI AND SHAKESPEARE”**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси  
хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги  
томонидан 3996-сонли ТАСДИҚНОМА берилган.

Босишга 2022 йил 19 июнда рухсат этилди.

Бичими 60x84 1/8 . Офсет қоғози.

Офсет босма усулида босилди. Times New Roman гарнитураси.

Шартли босма табоқ 43,75. Адади 500 нусха.

Оригинал макет “FIRDAVS-SHOH NASHRIYOTI”да тайёрланди.

Тошкент ш., Навоий, 30.тел.: +98990-372-85-17